ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИНГ ВА ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ!

ЮРИДИК ВА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН 17910647/5 - СОНЛИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ



"ЖИЗЗАХ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АЖ МАЪМУРИЯТИ.

ЮРИДИК ВА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "10" январ 1791067/5 -сон Галасофоо
(шартнома тузилган жой)

"Жиззах худудий электр тармоклари корхонаси" АЖ (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) нинг Низоми асосида фаолият кўрсатувчи бош директор Б.Ибрагимов бир томондан, ҳамда Галасофоо шулат нурсатиш ва сервис текшириш
("Истеъмолчи"нинг номи)
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари Тавияжнов Ш
("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.) абонент рақами - _____
иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ корхона истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив _____ минг кВт*соат, реактив _____ минг кВар*соат.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи Бир ставка тариф бўйича _____ сўмни ташкил этади.
(тариф турлари: бир ставкали ёки ва ҳолига тенглаштирилган (керакли ёзилсин))

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳакиқий миқдори ушбу шартномининг 2-иловасида назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсатгичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари, истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат кнёсловидан ўтказилади, корхона томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВ*А ва ундан юқори бўлган истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9^{00} дан 17^{00} гача) – белгиланган тариф бўйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6^{00} дан 9^{00} гача, кечки энг катта миқдор соат 17^{00} дан 22^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғу вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22^{00} дан 24^{00} гача ва 00^{00} дан 6^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВ*А гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсатгичлари бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш рад қилинган тақдирда электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича истеъмолчи ва корхона ўртасидаги ҳисоб-китоб даврий бир ой ҳисобланади.

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
7-илова

АВАРИЯВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК БРОННИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди _____
Истеъмолчининг вакили қатнашувида _____
Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда "Истеъмолчи" қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			
Жами :			

* а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.).

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қўйилади:

Т/р	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			
Жами :			

* а) Юклама остида ўчирилиш сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан "Корхона" билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ:
Галасофоо шулат нурсатиш ва сервис текшириш
Тавияжнов
(м.ў. давлатнинг ҳаёт Ф.И.Ш. имзо)

КОРХОНА:
«Туман электр таъминоти корхонаси» ОБЖ
(м.ў. сана Ф.И.Ш. имзо)

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, мазкур шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миклоридан келиб чиккан холда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миклоридан келиб чиккан холда аникланади.

Тарифга устамалар кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг куйидаги микдори бўйича аникланади:

- 5 % микдорида - реактив энергия, иктисодий кийматининг амалдаги микдори доирасида истеъмол килинганда;
- 10 % микдорида - реактив энергия, иктисодий кийматининг амалдаги микдоридан ортик истеъмол килинганда;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича копланмаган хисобига кувват коэффициенти кийматининг "Истеъмолчи" томонидан мазкур электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан пасайтирилгани аникланганда, "Корхона" электр энергияси йўколиши кийматининг техник-иктисодий хисоб-китобларини амалга оширади, шуннингдек кувват коэффициенти кўрсаттичлари белгиланган меъёрларга нисбатан пасайтирилгани учун "Истеъмолчи"дан кўшимча маблагларни ундиради.

Бунда, хисоб-китоблар ва кўшимча маблагларни ундириш, хисоб-китоб даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан "Истеъмолчи" томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганлиги тўгрисида "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг тасдиклови мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тарифдан чегирмалар «Истеъмолчи" ягона электр энергетика тизими тармогида электр тармогининг кагта юкламали соатларида реактив энергия хосил килганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларида ягона энергия тизими тармогидан реактив энергия истеъмол килинганда, агар «Истеъмолчи"нинг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса такдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Гарнизон хўжалиги
Кўрсатишлар ва сервис
хизматлари
Ш.Ш. Ёдгоров

(м.ў. раҳбарнинг исми, ф.и.ш. имзо)

КОРХОНА:

«Туман электр таъминоти корхонаси" раҳбари

(м.ў. раҳбарнинг ф.и.ш. имзо)

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг корхонанинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаттичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи корхонага энергиянинг сарфланиши тўгрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алокаси оркали хар ойнинг 1- санасигача такдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВ*А ва ундан юкори бўлган, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган истеъмолчилар бўйича энергия сарфи тўгрисидаги хисоботларда, ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлик хажмидан ташкари, тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алохида хам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган такдирда, корхона уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган сонадан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергия учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб хак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган такдирда, истеъмолчилар электр энергиясининг (актив ва реактив) аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўгри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чикилади ва корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаттичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миклори киймати учун оллиндан 100 фоизлик хак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хохлиини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида корхонага мурожаат килганлари такдирда 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан хак тўланмаган, хамда 50 фоиз олдиндан хак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармокларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўгрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини такдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура такдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли "Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисоб варак-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги карорига асосан, Корхона томонидан махсус дастурий махсулот оркали хисоб-фактура ва тўлов-вараги шакллантирилади, хамда сотиб олувчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон ракамли имзо билан тасдикланиб, оператор оркали роуминг операторига юборилади.

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофик, электр тармокларининг мансублик балансини аниклаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли оркали аникланади ва ушбу шартноманинг 4-иловасига мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, корхонанинг электр тармогига 750 кВ*А ва ундан юкори бўлган кувват билан уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алохида аникланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия хажмининг тегишли пайтларига тўлов хакини ёзиш учун кўшиб борилади.

(Шартноманинг 6 ва 7 иловаларини реактив кувватни ва технологик броски истеъмолчилар тўлдиради.)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоги оркали корхонанинг электр тармогига узатилганда, истеъмолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармогига келиб тушган электр энергиясининг умумий миклорига нисбатан корхонанинг электр тармогига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миклорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўгрисидаги хисоботни шартномада кўрсатилган муддатда такдим этмаган такдирда, корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган миклори бўйича ёки ўтган давр учун хакикатдан истеъмол килинган электр энергияси тўгрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варагини ёзади ва истеъмолчининг шахсий хисоб ракамида бу хакида тегишли белги кўйилади.

Корхона вакили хисоблаш приборидан кўрсаттичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун кайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги миклорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари кўрсаттичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўгрисида корхонага белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алокаси оркали такдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Корхона истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон алмашлар тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдорлари 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, истеъмолчидан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан, ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0.2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пеянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчи қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсатгичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсатгичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-ҳаракатлари амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзида фойдаланилганда, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Корхона томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭҲҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги 327-сонли "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" қонунинг 28-моддасига асосан, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчининг электр қурилмаларини корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсатгичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
6-илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими
1.Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг турлари			Қуввати	Уланиш вақти		Жами
					Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр		-1000 В гача:				
			-1000 В дан юқори:				
	Шу жумладан	Автоматик ростлаш билан:	-1000 В гача:				
			-1000 В дан юқори:				
		Дастаки ростлаш билан:	-1000 В гача:				
			-1000 В дан юқори:				
2.	Синхрон двигателлар (СД), кВт						
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (Ўрнатилган СД қувватининг 30 фоизи, кВт)						
4.	Жами кВАр: (1+3)		-1000 В гача:				
			-1000 В дан юқори:				

Изоҳ: Авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр*соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича			Қувват коэффициенти миқдори (Cos φ)
		I	II	IV	
Январ					
Феврал					
Март					
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					
Ж А М И					

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
5-илова

ЭНЕРГИЯ (АКТИВ, РЕАКТИВ) САРФИ БЎЙИЧА
ХИСОБОТ

2021 йил _____ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана “_____”_____ 2021 йил

Уланманинг номи, ҳисоблагичнинг давлат раками, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисоблагич кўрсатгичлари		Ҳисоблагич кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт*с, кВАр*с	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	Бошланғич	охирги			Эрталабки максимум	Кун	Кечки максимум	Тун	
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изох: 7 устун = 6 устун - 5 устун;
Табақалаштирилган ҳисоб учун назорат раками: 7устун = 9устун + 10устун+ 11устун + 12устун + 13устун,
8 устун = 7 устун * 4 устун;

Имзолар:

(имзо) _____ (Ф.И.Ш)

(имзо) _____ (Ф.И.Ш)

(имзо) _____ (Ф.И.Ш)

ИСТЕЪМОЛЧИ РАХБАРИ:

ИСТЕЪМОЛЧИ НУРҲИСИ:
ЖУ

ТЭТК ВАКИЛИ:

электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсатгичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

шартнома бекор қилинганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекция” ва корхонанинг қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш;

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувват билан уланган истеъмолчилар, корхона талабига асосан қуйидагиларни аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

- истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;
- энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;
- энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини;

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик, якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежаши ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан шартномада белгиланган мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан хак тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган хак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

Мазкур шартномага асосан истеъмолчини электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

истеъмолчига энергияни электр тармоги орқали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боглик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўгрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ва ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўгрисидаги истеъмолчини аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миклорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган такдирда – истеъмолчига бу ҳакда, рад этиш сабабини кўрсатган ходда хабар килиш;

истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбаларини таъминлаш;

сифат кўрсатгичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш;

Корхона конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади, шунингдек шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, корхона бунинг натижасида етказилган зарарни коплашга, истеъмолчи эса етказилган ҳакиқий зарарни коплашга мажбур.

5.2. Корхона куйидаги ҳолларда истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди:

- истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миклоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, корхона томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

- захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боглик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

5.3. Корхона истеъмолчини электр тармогидан узганда ёки енгиб бўлмайдиган куч холатлари хамда фавкулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартноманн бажарили жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш оркали хал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш оркали хал килишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибда хал килинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманнг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланмайди.

Ариза ушбу шартноманнг амал килиш муддати тугашидан бир ой олдин такдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сакланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманнг иловалари унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккинчи томонни бекор килиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб килиши шарти билан бекор кишиниши мумкин. Бекор килиш тўгрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий хисобланади

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
4-илова

ЭНЕРГИЯНИ ЙЎҚОЛИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармогининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармогининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аникланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари, бу:

а) Куввати_____кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик

актив энергиянинг йўқолишлари_____кВт*соат, ёки _____фоизини,

реактив энергиянинг йўқолишлари _____кВАр*соат, ёки _____фоизини ташкил этади,

б) "Истеъмолчи"нинг кабел линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги_____ м;

Кесим юзаси_____ мм^2,

Русуми_____;

Кучланиши_____кВ бўлса,_____кВт*соатни, ёки_____фоизни ташкил этади;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги_____ м,

Кесими_____ мм^2,

Русуми_____,

Кучланиши_____кВ бўлса,_____кВт*соатни, ёки_____фоизни ташкил этади;

Жами хар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми хисоб-китоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманнг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари истеъмолчининг хар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миклорларидан келиб чиқиб аникланади.

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ:

_____

_____

(м.ў. ёки ф.и.ш. имзо)

КОРХОНА:

«Туман электр таъминоти корхонаси» бошлиғи

_____

_____

(м.ў. ёки ф.и.ш. имзо)

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
3-илова

ТОМОНЛАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИНГ БАЛАНС МАНСУБЛИГИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛИК ЧЕГАРА ДАЛОЛАТНОМАСИ

(Ҳар бир уланиш нуқталари учун алоҳида-алоҳида тўлдирилади)

1. Истеъмолчининг масъуллик чегарасигача электр энергия етказилишида корхонанинг хизмат қиладиган электр ускуналари тугрисида маълумотлар:

Нимстанция номи 110/35/6143 КС Янги Қўрғон

10 кВ (6 кВ) кучланишли фидер номи 6143 Сайбозор

фидердаги трансформаторнинг раками ва қуввати, кВ*А Р2 250143 А

0.4 кВ кучланишли фидер номи ва унлаги таянчнинг тартиб раками Янги Янгиер

2. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари:

кучланиши — кВ, узунлиги — м,

маркаси — м, кесими — мм;

б) кабел линиялари:

кучланиши 0,4 кВ, утунлиги 10 м,

маркаси АВВГ м, кесими 4х25 мм;

в) Нимстанциялар ва трансформаторлар:

ишчи холатдагиларни сони ва куввати 220

захирадагиларни сони ва куввати Эмас

3. Электр тармокларининг баланс мансублига ва электр курилмаларнинг ҳолати, уларга техник хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланади:

0,4 кВ ҳаво тармоғининг эн Янги таян ўс тўқиндаг

4. Корхона истеъмолчининг электр ускуналарига 20___йил "___" _____куни тузилган _____сонли техник хизмат кўрсатиш шартномаси асосида техник хизмат кўрсатади.

Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузилмаган бўлса, корхона томонидан техник хизмат кўрсатилмайди.

Вакиллар:

ИСТЕЪМОЛЧИ: М.Ў. _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

ТЭТК БОШ МУХАНДИСИ: М.Ў. _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи:

Давлат рўйхатидан ўтиш гувоҳномасининг раками _____ Санаси _____

Истеъмолчининг юридик манзили бўйича кадастр раками Баландгор Туман

Почта манзили Баландгор Туман Маданиятг Кўчаси

Телефонлар: 432-41-00 Факс: _____

(Нелезолиш ҳаёт телефон рақамлари, ер жойлашган ерлар рақамлари ва телефонлар)

Ҳисоб раками 00010760082092092907900 1

Банк коди (МФО) 00123 СТИР (ИНН) 206765605

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган истеъмолчилар учун :

Бюджет фондининг ҳисоб раками 1000 10 760 820 920 929 020 79001

Банк коди (МФО) 00123 СТИР (ИНН) 206765605

Бюджетдан ташқари фондининг ҳисоб раками _____

Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____

Статистик кодлар:

ИФУТ (ОКЭД) _____ ДБИБТ (СООГУ) _____

МҲОБТ (СОАТО) _____ МШТ (КФС) _____

ТҲШТ (КОПФ) _____ КТУТ (ОКПО) _____

Корхона:

Почта манзили : Жиззах шаҳри, Боғзор кўчаси – 60 уй.

Ҳисоб раками :

Банк : "Ўзсаноаткурилишбанк" Жиззах минтақавий филиали

Банк коди (МФО) : 01152 СТИР (ИНН): 200344721

Телефонлар: 0-372-222-21-72, 0-372-222-21-65, Факс: 0-372-222-37-56

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ) : 01013 МҲОБТ (СОАТО) : 1708401

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Баландгор Туман Маданиятг Кўчаси 61 Уй

(ер эгасининг Ф.И.О. имзо)

КОРХОНА:

«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ бошқ. директори

Б.Х.Ибраҳимов

(ер эгасининг имзо)

ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:

Ўз.Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари етарлик қилмоқда. Шартнома шартларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масъуласи томонлар ўртасида қонуний белгиланган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низони ҳал қилиш тартиби белгиланган.

"Жиззах ҲЭТК" АЖ ҳуқуқшуноси _____ (имзо) **Ф.Бўстонов**

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
1-илова

ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ЭНЕРГИЯ ХАЖМИ

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури тўқимачилик
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати, кВ*А (кВт): _____
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват (кВт): _____
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): _____
6. Ҳисоб-китоб тури : бир ставкали

тариф тури: тойдаги/ипак, бир ставкали ёки вақтга боғлиқ ставкалар (керакли ёзилсин)

	Энергия ҳажми, минг кВт*с	Шу жумладан: - тариф гуруҳлари бўйича - харажатлар сметаси параграфлари бўйича			
Январ	11 111				
Феврал	11 111				
Март	11 111				
I-чорак	33 333				
Апрел					
Май					
Июн					
II-чорак					
Июл					
Август					
Сентябр					
III-чорак					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					
IV-чорак					
Йиллик, жами	33 333				

Корхона бир кунда _____соат, бир ойда _____ кун ишлайди
Сменалар бўйича юклама таксимоти (фоиз ҳисобида) I_____, II_____, III_____

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ:
Тўқимачилик саноат
корхонасининг электрик
Ш.Ш.Ҳайдаров
(мх. ҳона, ф.и.ш. имзо)

КОРХОНА:
«Туман электр таъминоти корхонаси» ДУК
_____
(мх. ҳона, ф.и.ш. имзо)

Электр таъминоти бўйича
тузилган шартномага
2-илова

ЭНЕРГИЯ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАРИ ВА ТАВСИФЛАРИ.

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари, тури ва кучланиш синфи (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисоблагичнинг давлат рақами	Ҳисоблагич клемма қопқоғидаги пломбанинг номери		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф сум/1 кВт*с
			Корхонанинг	Бюронинг	Ток	Кучланиш			
04 кВ шина	АТС-541	569204			5	20	40		

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ:
Тўқимачилик саноат
корхонасининг электрик
Ш.Ш.Ҳайдаров
(мх. ҳона, ф.и.ш. имзо)

КОРХОНА:
«Туман электр таъминоти корхонаси» ДУК
_____
(мх. ҳона, ф.и.ш. имзо)